Данная статья посвящена раскрытию вопросов всесторонней поддержки и оказания необходимой помощи развитию института семьи со стороны государства и правительства в нашей стране. В ней подробно изложено создание правовой базы и обращение особого внимания укреплению семьи в процессе реализации государственных программ за прошедший период независимости.

This article focuses on issues of disclosure of the full support and necessary assistance Development of the family of state and government in our country. It detailed the creation of legal base and inviting special attention to strengthening the family in the process of implementation of government programs for the last period of independence.

Маълумки, инсоният жамиятига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири унинг доимий равишдаги илгариланма ривожидир. Гарчи, ушбу узлуксиз жараённинг асоси бўлиб хизмат қиладиган оимлар кўп бўлса-да, бироқ уларнинг орасида оиланинг тутган ўрни алоҳида. Ваҳоланки, бутун инсоният жамиятининг узоқ даврлар мобайнидаги тарихий тараққиёти ёш авлод тарбияси, унинг жамият ва давлат учун муносиб меросхўр этиб вояга етказиш, асрлар давомида авлодлар томонидан яратилаётган катта ижтимоий-ҳаётий тажрибани кейинги авлод вакилларига етказиб беришда оиланинг фавқуллодда аҳамиятга молик ўрни мавжуд. Зеро, кишилар орасида кадр топадиган эзгу анъаналар ва одатлар айнан оилада қарор топади, кекса авлод қадриятларини авайлаб-асраш ва турмуш тарзини давом эттириш, ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари мазкур анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш оила зиммасидаги муқаддас вазифадир. Худди шу боис оилани мустаҳкамлаш, унинг мавжудлиги ва равнақи билан боғлиқ муаммоларни муносиб ҳал этиб бориш, пировард оқибатда, ҳар қандай давлат учун мамлакатда демократик жамият куриш, халқ учун эркин ва фаровон турмуш барпо этишнинг ўзига хос замини бўлиб келган.

Ҳар бир оиланинг фаровонлиги - давлат ривожини ва барқарорлигининг, маънавият ва маданият юксалиши даражасининг мезони бўлиб ҳисобланади. Халқлар ва давлатлар тарихи ҳар бир оиланинг тинчи ва осойишталиги, бахти ва мустаҳкамлиги билан бутун мамлакатнинг гуллаб-яшнаши узвий боғлиқ бўлганлигидан дарак беради.

Айнан шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Республикаимизда жамиятнинг кичик бир маҳкамаси бўлган оилани мустаҳкамлаш масаласига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Чунончи, мустақил Ўзбекистоннинг ўз Конституциясини яратиш чоғида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилганлиги оила мустаҳкамлигини таъминлашда асосий ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг ҳуқуқий мақоми ва мавқеини кафолатли ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, унинг махсус боби оилага бағишланган. Унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, жамият ва давлат томонидан кафолатли муҳофаза қилиниши алоҳида қайд этилган (63-модда).

Республикаимиз Конституциясида оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари ишончли ифода этилганлигини яна бир мисол ёрдамида ҳам баён қилиш мумкин. Гап

шундаки, деярли барча давлатлар конституцияларида дунёга келган ҳар бир фарзандни боқиш, тарбиялаш ва жамият учун муносиб шахс этиб вояга етказиш ота-она зиммасида эканлиги қайд этилган ва натижада ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабат ана шу тарзда конституцион бошқарилади. Бироқ собиқ иттифок тузуми даврига келиб ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда ҳалқимиз менталитетига хос бўлмаган айрим салбий ҳолатлар ҳам юзага кела бошлади. Хусусан юртимизда ҳам қариялар уйлари каби масканлар кўпайиб, фарзандларнинг ўз ота-оналарига нисбатан бемехрлик ва оқибатсизлик иллатлари илдиз ота бошлади. Худди шу боис мустақил юртимиз Конституциясига ушбу иллатнинг олдини олиш мақсадида вояга етган фарзандлар ҳам ўз ота-оналари учун ғамхўрлик кўрсатишга масъул эканликлари тўғрисидаги бошқа ҳеч бир давлатнинг конституциясида мавжуд бўлмаган махсус модда (66-модда) киритилди. Бу билан эса мустақиллик даврига келиб оилани мустаҳкамлаш мақсадида киритилган ушбу модда билан Республикамиз Конституцияси миллий қадриятларимизга хос бўлган янги руҳ ва мазмун билан бойитилди [1].

Мустақилликнинг кейинги йиллари мобайнида Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир янги йилни бирон-бир ном билан аташ ва бунинг негизида бутун жамиятимиз диққат-эътиборини у билан боғлиқ бўлган Давлат дастурларини бажаришга қаратиш асосида юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний қадр-қимматини жойига қўйиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, имкониятларини тўлиқ намоён эта олиши учун зарур шароит яратиш бериш каби мақсадлар кўзланмоқда. Таъкидлаш зарурки, бунда оилани қўллаб-қувватлаш, оилавий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Аксинча, ҳар бир Давлат дастурида ушбу масалаларга муносиб эътибор қаратилиши билан бирга, айрим йиллар бевосита “Оила йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Аёллар йили”, “Ёшлар йили” каби номлар билан аталдики, бу йилларда амалга оширилган тадбирлар қаторида оилани мустаҳкамлаш масаласи бутун жамоатчиликнинг диққат марказида турганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу маънода мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов ташаббуси билан 2012 йилни “Оилани мустаҳкамлаш йили” деб аталиши ҳам ҳукуматимиз томонидан оилавий қадриятларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди, дейиш ўринлидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда юртбошимиз ўзининг “Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” номли маърузасида оила

“... маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда” мустаҳкам таянч дея таърифлашди [3].

Кези келганда Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳам ҳар бир миллат маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс эканлиги кенг ёритиб берилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жумладан, асарда алоҳида урғу берилганидек, “биз мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз” [2].

Шунинг учун юртимизда амалга оширилаётган оилани ривожлантириш сиёсатида давлат ва нодавлат ташкилотлари, турли жамоат ташкилотлари ҳамда таълим тизимига оид барча муассасалар фаолиятини уйғунлаштириш учун ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Республика Хотин-қизлар кўмитаси қошида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган “Оила” республика илмий-амалий Маркази оиланинг аҳволи, унинг муаммоларини илмий тадқиқ этиш билан бирга, уларни ҳал этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, оилада Ўзбекистон ҳалқига хос бўлган қадимий анъаналар, қадриятлар ва урф-

одатлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялашнинг маънавий асосларини ўрганиш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда.

Айни пайтда Марказ томонидан оила мустаҳкамлигининг асосий омиллари, уни янада кучайтириш ва оилада шахсни камол топтириш масалаларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада Марказнинг узвий ҳамкорлиги натижасида таълим муассасаларининг ўқув дастурларига “Оила психологияси” курси киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ёш учун турмушда муносиб ўрнини топиш, мустақил ва мустаҳкам оила ўчоғини барпо этишда кўмаклашишдан иборатдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг оқилона иборасига кўра, оила ҳаёт абадийлигининг муқаддас рамзидир, чунки унда наслимиз давомчилари бўлган фарзандлар дунёга келади ва ҳар бир ота-она бутун умри давомида ана шу муқаддас маконда ўз зурриётлари келажаги учун бинобарин, бутун юрт истикболи учун қайғуради. “Оила” Марказининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти оила куриш ва унда баркамол авлод вакиллари тарбиялашни асосий ҳаётий мақсад дея эътироф этишади. Халқимиз оилавий фаровонликнинг гарови сифатида яқинларга, яъни ота-она, фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар ва қариндош-уруғларга нисбатан кўрсатиладиган меҳр-оқибат ва муҳаббатни тушунишади. Фақат оилагина инсонни ҳақиқий бахт эгаси қила олади, Ватанга муҳаббат, юртни севиш, унга фидойилик каби туйғулар дастлаб оилада шаклланади. Бу туйғуларнинг дастлабки дебочаси эса онага муҳаббат, отага ҳурмат, яқинлар ва қариндош-уруғларга меҳр-оқибат кўрсатиш муносабатларидан иборатдир. Ҳаёт ҳақидаги яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик тўғрисидаги илк туйғулар, дастлабки тушунча ва тасаввурлар ҳам оилада шаклланади. Меҳрибонлилик, мурувватлилик, ўзаро ёрдам, ўзгаларни кадрлаш, ҳурмат кўрсатиш, кундалик меҳнат фаолиятида кўмаклашиш зарурлиги тўғрисидаги туйғулар ҳам анъанавий равишда оилада қарор топади.

Замонавий оила турмушдошлар ўртасидаги ўзаро самимий севги, муҳаббат, вафо, ишонч, ҳурмат, бир-бирларини тушуниш, чидамлилик муносабатлари асосида қурилмоқда. Ўзбек оиласида авлоддан авлодга ўтиб келаётган катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, жамоатчилик орасида ўзини муносиб тутиш, камтаринлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик каби фазилатлар ҳукм суриб келаётганлиги оилани мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда фарзандлар тарбиясида кекса авлод вакиллари таъсири катталиги доимо сезилиб турганлиги, айниқса, ибратлидир. Бунда ота-оналар, боболар ва бувижонлар ўсиб келаётган авлод вакиллари фақат тарбиялабгина қолмасдан, балки оилавий тарбия анъаналарини давом эттириш, авлодлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун ҳам интиладилар. Ўйлаймизки, мамлакатимиз раҳбарининг “Соғлом она – соғлом бола” ғояси умуммиллий ҳаракатга айланиши сингари “Соғлом оила – соғлом жамият” ғояси ҳам худди шундай мавқега эга бўлади. Зеро, давлатимиз томонидан оила институтини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур бўлган барча шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Республикамызда ўз иқтидори ва қобилияти ҳамда меҳнати билан нафақат оиласи учун, балки бутун жамият ва мамлакат учун фойда келтира оладиган фуқароларни камол топтириш, уларнинг ҳаётий тажрибасини ёш авлод вакилларига етказиб бериш борасида барча юмушлар амалга оширилмоқда. МДХ давлатлари орасида фақат бизнинг мамлакатимизда қайд қилинаётган никоҳлар сони ажралишлар миқдорига нисбатан ўсиб бормоқда. Ажралишлар сони МДХ давлатлари орасида юртимизда энг кам қайд этилмоқдаки, бу ҳам ўз навбатида юртимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг натижасидир, албатта. Давлат томонидан амалга оширилаётган оила сиёсати фарзандларимиз ота-оналари орзу қилган муносиб бахт эгалари бўлиб вояга етишишлари учун тўлиқ ишонч ҳосил қилишга имкон беради. Зеро, ҳар бир инсон учун фарзанд камолини кўриш, унинг бахтиёр онларига шерик бўлиш, яқинлари ва қариндош-уруғларини шодон кўришдан кўра қимматлироқ ва муқаддасроқ нарса йўқ.

Оила тўғрисида давлат томонидан қайғуриш ахлоқий қадриятларни сақлаш, ўтмиш авлодлардан мерос бўлиб келаётган эзгу анъаналарга эҳтиёткорона риоя қилаётган оила руҳиятини асраш учун имкон беради. Чунки худди шу руҳият туфайли маҳаллада ёнма-ён истикомат қилиб келаётган кишилар ўзаро бир-бирларини доимо қўллаб-қувватлаш, ёрдамлашиш ва ҳамкор бўлиш зарурлигини ҳис қилишади, бир-бирлари билан елкадош бўлиб яшаш лозимлиги тўғрисидаги ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаб етадилар. 2005 йилдан буён оила қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказилиши тўғрисидаги тартибнинг жорий этилиши ҳам соғлом оилани шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан бири бўлмоқда.

2010 йилда республикамиз ўсиб келаётган авлоднинг саломатлиги учун кўп қайғураётган дунёнинг 161 мамлакати ўртасида 9-рейтинг кўрсаткичига эга бўлди. Бу ҳам юртимизда “Соғлом оила – соғлом жамият” ғоясини ҳаётга тадбиқ этиш борасида қилинаётган ишларнинг амалий натижасидир.

Ҳар бир инсон учун ҳаётда энг муҳим ва қимматли нарса – бу оиладир. Ҳар биримиз оила деб аталмиш муқаддас масканда ёруғ дунё юзини кўрамиз, шахс сифатида шаклланамиз. Оила тўғрисидаги доимий ўй-фикрлар ҳар биримизни меҳнат қилишга, унинг фаровонлигини таъминлашга, ўзгалар орасида муносиб ҳаёт кечиришга, ўз ўрнимизни топиб яшашга ундайди.

Бизнинг қадимий юртимизда оила асрлар мобайнида олий қадрият деб ҳисоблаб келинган. Бутун Шарқ фалсафаси ҳамиша уни улуғлаб, юксакларга кўтариб келган. Ушбу донишманд фалсафий тамойилларга таянаётган миллий истиқлол мафкурамизда ҳам ўзбек халқининг ўзига хос анъаналари ва қадриятлари қаторида оиланинг ўрни ва аҳамиятига устувор муносабатда бўлинганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Охириги йиллар мобайнида бунинг оқибатида асрлар синовидан ўтиб келаётган оила этикаси, қариндош-уруғчилик муносабатлари, онага – аёлга ҳурмат сингари эзгуликлар қайта сайқал топмоқда, яқин қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй, таниш-билишлар ўртасидаги меҳр-оқибат муносабатларидан иборат гуманизм фалсафаси янада мустаҳкамланмоқда.

Бугунги оила авлодлар узвийлигини таъминлайдиган жамият асосидир, биздан кўра бахтлироқ яшаши лозим бўлган фарзандларимиз учун тарбия ўчоғидир. Зеро, мамлакатимиз ишонч билан қадам ташлаётган буюк келажак томон йўл ҳам айнан оиладан бошланади. Шундай экан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни муаффақият билан адо этиш ҳам юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оила институтининг мавқеини янада мустаҳкамлаш орқали буюк келажак томон кўйиладиган муҳим қадамлардан бири бўлади. Бунда Президентимиз таъбири билан айтганда, “...ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки, инсоний бурчимизга айланиши...” лозим [2].

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008, 40 б. 2. И. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 174 б. 3. И. Каримов. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” – “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь, 238-сон.

УДК 008.1.5711

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА ИЙМОН ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ҳакимов А.

Ушбу мақолада миллий ўзликни англашда иймон феномени назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

В данной статье даётся теоретический и практический анализ феномена убеждения в формировании национального самосознания.

This article is given theoreticol and practical analysis of national selfcognition.

Ҳуқуқий, демократик адолатли фуқаролик жамияти қуриш инсониятнинг азалий эзгу мақсадидир. Бу жараён бозор муносабатлари шаклланиши вга тараққиётининг қонуни. Миллий ўз – ўзини англаш – ҳар бир миллат ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчиси, ягона тил, урф – одатлар, қадриятлар ва давлатга мансублиги манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишларидир. Миллий ўзликни англашда иймон тушунчасини ўзига хослигини таҳлил этиш назарий, амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Миллий ўзликни англаш, бу ўз юрти ва шу ватанда яшаган халқнинг, миллатнинг ўтмиши, маданияти, урф – одати қадрияти ҳамда анъаналарини билиш демакдир. Миллий ўз – ўзини англаш миллий тараққиётнинг юқори босқичи ҳисобланади. Миллат манфаатлари умуммиллий манфаатларининг устуворлигида намоён бўлади.

“Инсон иймонсиз яшай олмайди. Бугун, биз турли дин вакиллари ўртасида тенг ҳуқуқли ва маданий муносабатлар ҳукмрон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида собитқадам бўлиб турган бир паллада бу алоҳида аҳамият касб этади” [1].

Иймон қалб кўри билан яратилади. Илоҳиёт таълимотига кўра қуйидаги ҳолатлар иймон босқичидир: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод динга ичдан чуқур ишониш; иқрор – сўзда бундан тан олиш; амал-яхши ишлар билан исботлаш. “Аллоҳ бевосита имон келтиришдан сўнг яхши амалларни қилишни кўпгина оятларда келтирган. Бундан хулоса, шуки, ҳақиқий имон доимо ўз эгасини яхши амалга чорламоғи лозим. Одамнинг имони ҳақида билмоқчи бўлинса, унинг қилаётган ишига назар солиш керак. Тилида юз минг қарра имоннинг давосини қилган билан амалда имон тақозосидаги ишларини қилмаса, гапи пуч бўлади” [2].

Эътиқод – арабча сўз бўлиб, бу ишониш деган маънони билдиради, динимизда иймон калимаси ўрнида қўлланилади. Ҳозирги кунда иймонли одамни қисқача шундай таърифлаш мумкин: эътиқодли, сўзи билан иши бир, ҳалол пок, ўзининг аниқ маслағига эга, тақводор, орийатли, шарм-хаёли, виждонли, андишали, инсофли, саҳоватли, меҳр – оқибатли ва шу каби фазилатлар соҳибидир.

“Иймон” (ўзбекча “ишонч”) фақат диний онгга хос эмас, умуман ақлли одам онгининг атрибутидир, унинг воситасида одам оламни ва ўз – ўзини англаш имкониятига эга бўлади. Маълумки, одам оламдаги нарса – ҳодисаларнинг ҳаммасини билишга қодир эмас, бинобарин, оламга муносабатда бошқаларнинг фикрига ишониш ёки шубҳаланиши, ёхуд ишонмаслиги мумкин. Ана шу руҳий ҳолатдан келиб чиқиб, бошқа нарса – ҳодисаларга баҳо беради ва муносабат белгилайди” [3].

Иймон онгни миллий онгни англашга ундайди. Иймон инсон онги ва ҳис – туйғусига таъсир этувчи ғоядир. Ҳар қандай ғоя инсон иймони, унинг маслағига айлангандагина фаоллик касб этади. Иймон киши маънавиятининг, ахлоқининг ўқ илдизи, пойдевори негизидир. Иймондан маҳрум кимсанинг ақли нечоғлиқ ўткир бўлмасин, шу туйғули ўзлигидан қанчалик ғурурланмасин у чинакам инсонлар қаторига ҳеч қачон киритилмайди.

Иймонли инсон атрофидаги ҳодисаларга ўз муносабатини, ўзи қабул этган ишонч нуқтаи назарини баҳолайди. Бинобарин, иймонли одам миллий ўзликни англаш туйғули

жамият, инсоният учун хатарли бўлган ишлардан ўзини четга олади. Иймон курашда комил инсонни шакллантиради. Иймон - эътиқодли одам – гўзаллик, нафосат ижодкори, маънавиятни қарор топтирувчи жамият манфаатлари учун ўзини курашувчи инсонга айлантирувчидир. “Иймон – эътиқод илмий фалсафий, инсоний одоб – ахлоқ йўналишида ҳам, диний – мистик (буддавийлик, христианлик, мусулмончилик ва бошқа) йўналишларда ҳам турли даражаларда шаклланиб, оламдаги нарса, ходиса, жараёнларга ҳаяжонли ва эҳтирослик руҳини бахш этади ва инсон иродасини изчил, қатъиятли қилади. Иймонли одамларнинг ҳаёти мазмунан тўлақонли, завқ – шавқли бўлади. Улардан тушкунлик руҳи чекинади” [4].

Ҳозирги дунёдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, коммуникация ва алоқа воситалари тараққиёти, ер юзи аҳолисининг ахборот майдонидаги ҳаракатлари шу қадар тигиз юз бермоқдаки, бунга бепарво бўлиш халқ ёки миллат тараққиётида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Биз жамиятимизни умумбашарий ва демократик қадриятлар асосида қураб эканмиз ёшларимиз қалбида ва онгида миллий ўз – ўзини англаш туйғусини сингдиришимиз лозим.

Мана, йигирма йилдирки мустақиллик туфайли миллий ўзликни англаш жараёнини бошдан кечиряпмиз. Ана шу маънавий, руҳий, ахлоқий ва маърифий жараён сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тасаввурларнинг янгиланиши билан кўшилиб кетиб, том маънодаги янги фуқаро шаклланиши билан боғлиқ бўлган жуда катта ижтимоий-тарихий воқеяга айланмоқда.

Табиблар таъбири билан айтганда, руҳ кучли бўлса, касалликни енгиб ўтиш осон бўлади. Иймон инсоннинг руҳий рағбати, агар инсонни иймонли қилиб шакллантирилса, мафкуравий курашлардан ҳеч қийинчиликларсиз ўтиш мумкин.

Ўзини англаган киши оламни бутун ранг – баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзини шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатни бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон кадр қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Демак, бевосита ички бир даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етуклик, комиллик сари интилади.

Миллий ўзликни англаб етган инсонлар ҳозирги глобаллашув жараёнида ўз ҳаётий фаолиятларининг табиий – тарихий шароитларини ҳам, ўз юрти равнақи билан боғлиқ бўлган эзгу мақсад ва вазифаларни ҳам англаб оладилар; ўз халқининг миллий, урф-одатлари ва қадриятларини бошқа халқларнинг қадриятлари билан боғлиқлигини, уларнинг умуминсоний эканлигини ҳам англаб оладилар; жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммоларини тушуниб етадилар.

Бугунги кунда ўзбек миллатини ўз – ўзини англаш жараёни амалга ошмоқда, ушбу жараёнда иймон мезони билан тарбияланган баркамол авлод мамлакатимиз пойдевори ҳамда муҳим таянчидир.

АДАБИЁТЛАР

1. И. Каримов “Маънавий юксалиш йўлида” Тош. Ўз-н нашриёти. 1998 й. 102 б.
2. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тафсири Ҳилол” Тошкент Моворауннахр нашриёти. 1992 й. 96 б.
3. Иброҳим Каримов “Маънавият, Фалсафа ва ҳаёт.” Тошкент фан нашриёт. 2001 й. 37 б.
4. Иброҳим Каримов “Фалсафа яхлит фан” Тошкент Қатортол - Камолот нашриёти. 1998 й. 80 б.

ҚИСКА ХАБАРЛАР**ИССЛЕДОВАНИЕ СПОСОБА УПРОЧНЕНИЯ КОЛОСНИКА
АВТОМАТИЗИРОВАННОГО ПИЛЬЧАТОГО ДЖИНА.****Кадыров Р., Турдиев М., Абдупаттоев Д., Одилов О.**

Хлопок – сырец после очистки и сушки поступает для дженирования. Дженирование является основной операцией в технологическом процессе первичной обработки хлопка, при которой из хлопка-сырца получают хлопковое волокно и хлопковые семена. Осуществляется дженирование, в частности, в пильных джинах. Колосниковая камера является одним из важных узлов рабочей камеры джина. Она предназначена для свободного выноса из рабочей камеры прядок волокна, захваченных зубьями пил и оторванных от семян. Колосниковую решетку набирают из отдельных колосников.[1] Рабочие поверхности колосников тщательно обрабатывают с контролем профиля шаблонами до стандартных размеров.

Износостойкость рабочей части колосника должна быть высокой. На 160-пильных линтерах устанавливают 161 колосник, из которых два крайних являются боковыми, остальные средними. При толщине пильного диска $0,95 \pm 0,05$ мм на зазор между пилой и рабочей кромкой колосника остаётся всего 0,75-0,85 мм

Верхний рабочий участок колосника, где пила уходит на него должна быть твердой и износостойкой. Однако при эксплуатации из-за износа, часто рабочие поверхности колосников изнашиваются и быстро выходят из строя. Срок службы этих колосников из-за недостаточной поверхностной твердости и износостойкости крайне низок и составляет примерно 2-3 месяца. Замена колосников новыми - трудоёмкий процесс и приводит к длительному простоем машины.

В процессе эксплуатации рабочая поверхность колосника подвергается контактному напряжению, в результате чего происходит усиленный износ рабочей поверхности.

Механизм износа различен и зависит от условий износа, но в основном он состоит в том, что с поверхности металла вырываются мелкие частицы. В случае обычного трения поверхности металла наклепывается, и сопротивляемость истиранию возрастает. В случае абразивного износа, которое имеет место в данном случае способность металла к наклепу в существенной степени определяет его износостойкость. В случае абразивного износа, когда твёрдые частицы абразива вырывают мельчайшие кусочки металла, стойкость против износа будет, определяется сопротивлением металла хрупкому разрушению и его твёрдостью.

Нами были проведены исследования для упрочнения колосника.

Было установлено, что твёрдость вновь поступивших на завод для эксплуатации колосников составляет 10 HRC. Количество углерода составило 0,25 %, что подтвердил и химический анализ материала колосника.

Следовательно, для термической обработки количество углерода в стали низкое. Поэтому результат, например, закалки будет неудовлетворительным.[2]

Для упрочнения данной стали остаётся единственный приемлемый путь – химико – термическая обработка (цементация).

Цементацию провели на твёрдом карбюризаторе. Для этого был изготовлен контейнер с откидной плотно закрывающейся крышкой. В каждый контейнер загружали по 3

колосника и карбюризатор. В состав карбюризатора входили: древесный уголь 45%, NaCO_3 18%, BaCO_3 33,5%, CaCO_3 3,5%. Приготовление карбюризатора сводилось к дроблению древесного угля и просеивание его через систему сит для получения в зернах поперечником 3,5 – 10 мм. Затем древесный уголь перемешивали с другими компонентами карбюризатора. Температуру нагрева контейнеров выбрали 920°C. Нагрев осуществляли в электрической печи в течение 8 часов.[3]

Толщина цементованного слоя составила 0,7 – 0,9 мм. При этом содержание углерода в цементованном слое достигло 0,9 – 1,0%.

После цементации колосники подвергли закалке при температуре 880°C и низкому отпуску при температуре 160° С. При этом низкий отпуск уменьшает остаточные напряжения и не снижает твердость стали. Твердость колосника составила 43 HRC.

Как показали дальнейшие исследования после проведенной химико-термической обработки повысилась твердость, износостойкость, сопротивление усталости и контактная выносливость колосника.

В настоящее время опытные колосники внедрены в производство, и они успешно работают на заводских технологических линиях.

ЛИТЕРАТУРА

1. Г.Д. Джаббаров и др. Первичная обработка хлопка, М. «Легкая индустрия». 1978. 430 ст.
2. Ф.Б.Арзамасов и др. Материаловедение и технология конструкционных материалов. М. «Академия» 2007. 448 ст.
3. Г.П.Фетисов и др. Материаловедение и технология металлов. М. «Высшая школа» 2007. 862 ст.

Ферганский политехнический институт

дата поступления: 18.04.2012 г.

УДК 631.316.44.001.2

ОБОСНОВАНИЕ ДИАМЕТРА РОТОРА БЕСПРИВОДНОГО РОТАЦИОННОГО РЫХЛИТЕЛЯ С ГИБКИМ РАБОЧИМ ОРГАНОМ

Холмирзаев Ж.З., Отаханова М.Б., Отаханов Б.С., Пайзиев Г.К.

Ротацион юритмасиз юмишатгич роторининг радиусига эгилучан ишчи орган бикрлининг таъсири кўриб чиқилган

Рассмотрен влияния жесткости гибкого рабочего органа на радиус ротора бесприводного ротационного рыхлителя.

Is considered influences of rigidity of a flexible working body on radius of a rotor бесприводного rotational to loosen

Основными параметрами ведомого ротора бесприводного рыхлителя являются: диаметр ротора D , число ножей диска Z и кинематический режим λ .

С агротехнической точки зрения к величине диаметра ротора предъявляются противоречивые требования. Работы по фрезерованию металлов и грунтов свидетельствуют о том, что с увеличением диаметра барабана при одной и той же подаче на нож достигают уменьшение толщины стружки. Но, с другой стороны, увеличение диаметра приведет к увеличению металлоемкости и мощности на фрезерования [1].

Действительный радиус ведомого ротора в рабочей зоне можно определить по выражению:

$$R_i = \frac{R \cdot \sin \delta}{\sin(\theta + \delta)} \cdot \quad (1)$$

Анализ выражения показывает, что действительный радиус целиком зависит от угла отставания, который в свою очередь зависит от физико-механических свойств материала рабочего органа, длины и формы рабочего органа и состояния обрабатываемой почвенной среды.

На основе теоретических расчетов, получена зависимость показанная на рис., который связывает угол поворота ведомого ротора с его действительным радиусом при жесткости рабочего органа $c=25$ Н/м.

По мере заглубления рабочего органа действительный радиус начинает уменьшаться от мнимого. При повороте ротора на $120^\circ \dots 140^\circ$ градусов действительный радиус снижается до минимума. Этот минимум совпадает с максимальной толщиной стружки [1].

С увеличением диаметра поперечного сечения рабочего органа наблюдается смещение минимума действительного радиуса вправо, что подтверждает при увеличении диаметра поперечного сечения рабочего органа прогиб также растет, т. к. увеличивается сопротивления почвы пропорционально площади воздействия рабочего органа.

При повороте ротора на 180° нагрузка на рабочий орган снижается до пределов, недостаточного для изгиба рабочего органа ведомого ротора. Поэтому дальнейшее продвижение рабочего органа в почвенной среде происходит по обычной траектории.




Рис. Зависимость действительного радиуса ведомого ротора от угла поворота при жесткости рабочих органов $c=25$ Н/мм.

Уменьшение радиуса ведомого ротора прямо пропорционально влияет на величину окружной скорости, так как окружная скорость конца рабочего органа определяется как произведение угловой скорости на радиус вращения.

Теоретические расчеты, выполненные по вышеприведенным параметрам, показывают, что окружная скорость ведомого ротора в зависимости от угла его поворота и диаметра рабочего органов будет изменяться по той же закономерности, что и действительный радиус. Но уменьшение окружной скорости находится в допустимых пределах ($0,5 \dots 0,67$) и влияние его на качество работы ротора незначительно.

Подача на рабочий орган зависит от действительного радиуса ведомого ротора, кинематического режима и количества рабочих, т.е.

$$S = \frac{2 \cdot \pi \cdot R \cdot \sin \delta}{\lambda \cdot Z \cdot \sin(\theta + \delta)}. \quad (2)$$

Теоретический анализ, выполненный по этой формуле, показывает на то, что на величину подачи на рабочий орган одинаково влияют вышеприведенных параметров. Увеличение или уменьшение одного из них соответственно уменьшает или увеличивает величину подачи на рабочий орган. В рассмотрении влияние жесткости и диаметра поперечного сечения рабочего органа установили, что уменьшение действительного радиуса наблюдается при повороте барабана от 90^0 до 180^0 . Далее рабочий орган будет двигаться по траектории жесткого ножа или рабочего органа, значит уменьшения глубины обработки не происходит. Учитывая это можно сделать вывод о том, что применение гибкого рабочего органа на ведомом роторе бесприводного ротационного рыхлителя не уменьшает глубины обработки почвы.

Из теоретической механики известно, что момент силы зависит от величины действующей силы и плеча действия. При жесткой установке рабочих органов, точка приложения равнодействующей силы сопротивления почвы находится на расстоянии $2/3$ от центра вращения ротора. Уменьшение действительного радиуса способствует снижению плеча действия равнодействующей силы сопротивления почвы и снижению энергоемкости обработки почвы.

ЛИТЕРАТУРА

1. Тухтакузиев А.Т., Отаханов Б.С. Траектория движения гибких рабочих органов. //Фарғона политехника институти илмий–техника журнали, 2005, №2, стр. 132–134.
2. Бронштейн И.Н. Семендяев К.А. Справочник по математике. М.Наука.:1981, с.131,141,144,571-576.

Наманганский инженерно-педагогический институт

дата поступления: 01.05.2012 г.

МУНДАРИЖА

ФУНДАМЕНТАЛ ФАНЛАР

Ахмадалиев Б.Ж., Полвонов Б.З., Юлдашев Н.Х. <i>CdTe</i> Туридаги кристалларда экситон сўнишини ҳисобига олгандаги поляритон люминесценцияси. II эксперимент билан таққослаш.....	3
Мамажонов Ж.Д., Топволдиев Ф. Иккинчи тартибли аралаш типдаги чегарада бузиладиган тенглама учун аралаш масала.....	11
Абдикаримов Р.А. Ўзгарувчан қалинликли қовушқоқ-эластик тизимларнинг параметрик тебранишларини математик моделлаштириш ва ҳисоблаш.....	16
Хайдаров З. Ярим ўтказгичли электродга эга ўта юпқа газ разрядли ячейкада янги ижобий фотографик эффект.....	21

МЕХАНИКА

Нусратов Т.С. , Файзиматов Б.Б. Сув хўжалиги лойиҳаларини режалаштириш ва экологик баҳолашнинг алгоритмлаш масалаларини ечишга ёндашиш ҳамда ташкил этиш.....	24
Ҳамролиев А.А., Ишқулов Н.П., Мирзашарипов Д.М. Кичик канализация иншоотининг лойиҳалашдаги ечиладиган асосий масалалар.....	26
Джураев А., Турдалиев В., Қосимов А. Тасмали узатма тасмасининг таранглигига тарангловчи ролик параметрларининг таъсири.....	28
Тўхтақўзиев А., Қўчқоров С. Чизелли юмшаткич текислагичининг бўйлама-тик текисликдаги ҳаракатини тадқиқ этиш.....	31
Тўхтақўзиев А., Росабоев А.Т., Мамадалиев А. Тукли чигитларни қобиқлаш барабанининг параметрларини назарий асослаш.....	34
Эгамбердиев Д., Бурхонов А., Шокиров А., Қаюмов А., Абдуқаҳҳоров З. Қийин эрийдиган қўшимча элементларнинг жин арраси материали структурасига таъсири.....	36
Эгамбердиев Д., Шокиров А., Қаюмов А., Бурхонов А., Абдуқаҳҳоров З. Термик ишлов бериш тарихининг жин арраси материали ички ресурсларига таъсири.....	40
Файзиматов Ш.Н., Гулямова Н.У. Аэродинамик ҳодисалар асосида агросаноат комплексларида донатор юкларни транспортировка қилиш ва қуриштиш жараёнларининг мақбул шароитини танлаш ва математик моделлаштириш.....	45
Отаханов Б.С. Тупроққа ишлов берувчи ротацион машина эгилувчан ишчи органнинг шакли ва ўлчамларини асослаш.....	50

ҚУРИЛИШ

Али Назаров А.Х., Раҳманов Ш.В., Али Назарова М.А. Гелиоиссиқ қайта ишлов беришда кулли цемент композицион қурилиш материаллари хусусиятларини теплофизик бошқаришнинг ўзига хослиги.....	55
---	----

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Акбаров Д. Е., Сиддиқов А., Хасанов Х. Криптотахлил масалалари ва уларни ечиш усуллари
хақида.....59

КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

Шамшидинов И., Мамаджанов З.Н, Гафуров К. Аммиакатлардан фойдаланиш орқали оддий
суперфосфатдаги озук компонентларини ошириш 64
Сайдахмедов Ш.М¹, Мухторов Н.Ш², Салимов З.С³, Абдурахмонов О.Р.⁴ Джет а-1 авиацион
ёқилгисини механик аралашмалардан чуқур тозалаш технологияси 66

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАҢЛАР

Тўхтаров И.М., Шайдулина А.А., Ахунова Ё.Н. Мустаҳкам оила – буюк келажак
кафолатидир.....72
Ҳакимов А. Миллий ўзликни англашда иймон феномени ва унинг ўзига хослиги.....76

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Кадыров Р, Турдиев М, Абдупаттоев Д, Одилов О. Автоматлаштирилган аррали джин
колоснигини пухталаш усулини тадқиқ этиш.....78
Холмирзаев Ж.З., Отаханова М.Б., Отаханов Б.С., Пайзиев Г.К. Ратацион юритмасиз
юмшатгични эгилувчан ишчи органли ротори диаметрини асослаш.....79

СОДЕРЖАНИЕ

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ НАУКИ

Ахмадалиев Б.Ж., Полвонов Б.З., Юлдашев Н.Х. Поляритонная люминесценция в кристаллах типа $CdTe$ с учетом затухания экситонов. ii. сравнение теории с экспериментом.....	3
Мамажонов Ж.Д., Топволдиев Ф. Смешанная задача для уравнения смешанного типа второго порядка, вырождающихся на границе области.....	11
Абдикаримов Р.А. Математическое моделирование и расчет параметрических колебаний вязкоупругих систем переменной толщины при периодических нагрузках.....	16
Хайдаров З. Новый положительный фотографический эффект в сверхтонкой газоразрядной ячейке с полупроводниковым электродом.....	21

МЕХАНИКА

Нусратов Т.С. , Файзиматов Б.Б. Постановка и подходы к решению задач алгоритмизации планирования и экологической оценки водохозяйственного проекта.....	24
Ҳамролиев А.А., Ишкулов Н.П., Мирзашарипов Д.М. Решение основных проблем при проектировании малых очистных канализационных сооружений	26
Джураев А., Турдалиев В., Қосимов А. Воздействия параметров натяжного ролика на натяжения ремня ременной передачи.....	28
Тўхтақўзиев А., Қўчқоров С. Исследование движения выравнивателя чизельного рыхлителя в продольно-вертикальной плоскости.....	31
Тўхтақўзиев А., Росабоев А.Т., Мамадалиев А. Теорическое обоснование параметров дрожирующего барабана опущенных семян.....	34
Эгамбердиев Д., Бурхонов А., Шокиров А., Қаюмов А., Абдуқаҳҳоров З. Воздействие примесей тучоплавких элементов на структуры материала Джиновской пилы.....	36
Эгамбердиев Д., Шокиров А., Қаюмов А., Бурхонов А., Абдуқаҳҳоров З. Динамика воздействия внутренних ресурсов материала Джиновской пилы в истории термической обработки.....	40
Файзиматов Ш.Н., Гулямова Н.У. Математическое моделирование и оптимизация процесса транспортирования и подсушки сыпучих грузов в агропромышленном комплексе с использованием аэродинамического эффекта.....	45
Отаханов Б.С. Обоснование формы и параметров гибкого рабочего органа ротационной появообрабатывающей машины.....	50

СТРОИТЕЛЬСТВО

Алиазаров А.Х., Рахманов Ш.В., Алиазарова М.А. Особенности управления теплофизическими свойствами золоцементных композиционных строительных материалов при гелиотепловой обработке.....	55
---	----

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА И ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ

Акбаров Д. Е., Сиддиқов А., Хасанов Х. О задачах криптоанализа и их методов решения.....	59
--	----

ХИМИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ И ЭКОЛОГИЯ

Шамшидинов И., Мамаджанов З.Н., Гафуров К. Повышение питательных компонентов в простом суперфосфате с использованием аммиаков	64
Сайдахмедов Ш.М., Мухторов Н.Ш., Салимов З.С., Абдурахмонов О.Р. Технология глубокой очистки авиационного топлива Джет а-1 от механических примесей	66

СОЦИАЛЬНО - ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

Тўхтаров И.М., Шайдулина А.А., Ахунова Ё.Н. Крепкая семья – гарантия великого будущего.....	72
Ҳакимов А. Феномен «Имон» в национальном самосознании и его своеобразие	76

КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

Кадыров Р, Турдиев М, Абдупаттоев Д, Одилов О. Исследование способа упрочнения колосника автоматизированного пильчатого джина.....	78
Холмирзаев Ж.З., Отаханова М.Б., Отаханов Б.С., Пайзиев Г.К. Обоснование диаметра ротора бесприводного ротационного рыхлителя с гибким рабочим органом.....	79

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА

1. Фарғона политехника институти «Илмий – техника журнали», «Научно – технический журнал» саҳифаларида фундаментал ва амалий фан ютуқлари ва уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларига татбиқ этишга доир янги илмий- тадқиқот материаллари бериб борилади.

2. Чоп этишга тақдим қилинган мақолаларга шу иш бажарилган ташкилот йўлланмаси илова қилиниши шарт.

3. Мақола икки нусхада (ўзбек ёки рус тилида) бўлиши, машинка ёзувида икки интервалда, стандарт ўлчамдаги оқ қоғознинг бир томонида ва чапдан (кам деганда 30 мм кенгликда) жой қолдириб ёзилиши керак.

4. Формулалар қора туш ёки сиёҳда аниқ ва тушунарли қилиб ёзилиши керак. Мақолага тегишли бўлган чизмалар ва диаграммаларга (ўлчами 10×10 см дан катта бўлмаган) ёзувлар имкони борица сонлар ёки ҳарфлар кўринишида берилиб, улар мақола саҳифасида ёки чизмага иловада тушунтирилмоғи лозим. Чизмалар аниқ, барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда чиройли чизилган бўлиб, икки нусхада топширилади. Чизмалар учун зарур барча тушунтиришлар фақат иккинчи нусхада берилади. Мақолаларда чизмалар сони 3 та дан ошмаслиги керак.

5. Мақола чизмалар билан биргаликда саккиз саҳифадан, қисқа хабарлар эса уч саҳифадан ошмаслиги, ёзилган мақолага ўзбекча, русча ва инглизча 5-6 қатордан иборат аннотация, эксперт хулосаси (2 нусха), муаллифлар тўғрисида тўлиқ маълумот (иш жойи, вазифаси, яшаш жойи, телефони) илова қилиниши керак. Муаллифлар орасида фан доктори бўлмаган тақдирда, шу соҳа мутахассиси фан докторининг тавсияси тақдим қилинади.

6. Қайд қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда берилади: муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт (китоблар учун) йили, журнал номери, саҳифа (журнал учун). Мақола саҳифаларида адабиётларга илова рақам билан тартиб асосида квадрат қавс ичида (масалан [7] кўринишида) берилиши керак. Адабиётлар сони 10 тадан ошмаслиги керак.

7. Журналга берилган мақоланинг иккинчи нусхасига муаллиф фамилияси, исми ва шарифини кўрсатиб имзо чекиши керак. Агар мақола бир неча муаллифлар томонидан ёзилган бўлса, барча муаллифлар унга имзо чекишлари шарт.

8. Агар мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб мақола таҳририятга тушган ҳисобланади.

9. Эълон қилинмаган материаллар эгасига қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.

10. Таҳририят зарурат бўлганда тақдим этилган мақола ва қисқа хабарларни тақриз қилиш ҳукукига эга.

Журнални чоп этишда WINDOWS муҳитида ишловчи IBM ОС компьютерига мос келувчи дастурлардан фойдаланилади. Мақолаларни ўз вақтида чоп этилишини истаган муаллифларимиз таҳририятга ана шу дастурдан фойдаланган ҳолда компьютерда терилган мақола дискетини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

Кўрсатилган қоидалар асосида тайёрланмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ
ТАХРИРИЯТИ

Мухаррир
Мусахҳиҳ
Компьютер графикаси

ф-м.ф н., доц. Т.Х. Хомидов
Д.Х. Мамажонова
Р.Ж. Сайиджонова

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот агентлиги
Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан рўйхатга олинган.
№ 12064

Таҳририят манзили:
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.
Телефон: 222-13-30, 222-13-10.
Факс: 222-27-81.
Бизнинг сайт: <http://www.farpi.uz>
E-mail: jurnal@farpi.uz
Фар.ПИ таҳририят-ноширлик бўлими

Нашр учун масъул
Муҳаррир
Техник корректор
Дизайнер

Анваржон Хайдаров
Дилафруз Мамажонова
Раҳнамохон Сайиджоннова
Саиджон Жўраев

Босишга рухсат этилди

Ўлчови 70×108 1/16. Офсет қоғози, офсет босма. Шартли босма табоқ 13.3
Нашриёт босма табоғи 14, 6. Адади 100 нусха. Буюртма № 51
Баҳоси шартнома асосида.